# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2016 йил 25 октябрь, № 210 (6645) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Фақат 2009 — 2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 тураржой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Кўрилган чора-тадбирлар оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, қишлоқнинг қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган тураржой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш;

конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, барпо этилаётган уйлар таннархини пасайтириш;

энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш;

жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириш, пудрат ташкилотларининг қувватларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар беришнинг фуқаролар учун янада қулай шартларини жорий этиш.

2. Қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда арзон уйларнинг қуйидаги янги намуналарини (кейинги ўринларда уйлар деб аталади) жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар;

ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

3. Белгилансинки, уй-жойларнинг янги намуналарини қуриш учун «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека-банк» АТИБ, «Халқ банки» АТБ, «Асака банк» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб аталади) уй қурувчиларга 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга ипотека кредитлари берадилар, бунда уй қурувчиларнинг дастлабки бадали қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

15 фоиз — икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун;

25 фоиз — икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2017 йилда намунавий лойиҳаларнинг аниқ турлари бўйича қишлоқ жойларда умумий молиялаштириш ҳажми 2 121,5 миллиард сўм бўлган 15,0 мингта арзон, замонавий, шинам уй-жойлар, шу жумладан, биринчи тури бўйича — 4 608 та, иккинчи тури бўйича — 3 739 та, учинчи тури бўйича — 3 672 та, қуришнинг йиғма ва асосий параметрлари 1 — 5-иловаларга мувофиқ;

2017 йилда тураржой массивлари учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича йиғма кўрсаткичлар 6-иловага мувофиқ.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ҳокимларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар раҳбарларига:

маъқулланган Дастур параметрларига мувофиқ уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтиришга, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга, пудрат ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Тажибаев Валерий Викторович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Ражапов Бахтиёр Рузметбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Яхшиликов Лочинбек Яхшиликович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Азизов Руслан Минилевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти кафедра бошлиғи

**Диров Александр Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра катта ўқитувчиси

**Курбанбаева Умида Турсинбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нуритдинов Жамолиддин Пахритдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси республика шифохонаси бошлиғи

### «Мардлик» ордени билан

**Абдурашидов Шахзод Абдурашид ўғли** — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ахмедов Бекзод Бухорович** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Дустмуродов Фахриддин Пардаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Жўраев Акмалжон Хайдаралиевич** — Андижон вилояти Олтинкўл тумани ички ишлар бўлими канцелярияси катта иш юритувчиси

**Олимбеков Фарход Суюнбаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нажимов Одил Зайнудинович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Турсунов Муроджон Ғайратович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

### «Жасорат» медали билан

**Дадабоев Илхомжон Абдуқаххорович** — Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

**Жумаев Ўктамжон Бешимович** — Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қурбонбоев Шухрат Сафарбоевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Мустафаев Суннатулло Зоирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Палуаниязов Бахтияр Уразалиевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Хурматов Тахир Адашович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси етакчи мутахассиси

**Юсупов Махмуджон Муталимович** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдухаликов Абдураззак Абдумуталипович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Матякубов Хурмат Бекберганович** — Хоразм вилояти Янгибозор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Махкамов Фуркат Исраилович** — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Мирзагитов Миркамол Мирахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

**Мурадов Миркомил Мурсалович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Мустафаев Тимур Муйдинжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Наркулов Рустам Янгибаевич** — Сурхондарё вилояти Термиз тумани ички ишлар бўлими катта эксперти

**Норқобилов Беҳзод Улашевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Рахманкулов Улуғбек Каримкулович** — Сирдарё вилояти Боёвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Сартаева Шохиста Яхшибековна** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ёрдамчиси

**Турғунов Аброржон Анварович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Юлдашов Абдумажид Мардиевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдураимов Ойбек Тошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди катта мутахассис-кинологи

**Аслонов Тўлқин Олимович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

**Баротов Тулкин Тухтаевич** — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Махамедов Азим Суннатович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси бўлинма командири

**Мирзаев Фарходжон Одилжонович** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Нажмиддинов Низомидин Садирдинович** — Фарғона вилояти Данғара тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сафаров Сайдулло Каршибоевич** — Сурхондарё вилояти Узун тумани ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи

**Юсупов Аброр Алимжонович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси «Андижон» темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 24 октябрь

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида намойиш этилмоқда




Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 7,8 фоиз ўсгани шундан далолат беради. Шубҳасиз, бундай юқори натижага эришилишида саноатдаги сифат ўзгаришлари муҳим омил бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда соҳада маҳсулот тайёрлаш ҳажми қайта ишлаш ҳисобига кўпаймоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан 50 дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситкичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипедлари шулар жумласидандир.

(Давоми 3-бетда).

## 25 ОКТЯБРЬ — ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

*Инсонпарварлик ҳамда адолат тамойиллари мустаҳкам қарор топган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимизнинг улуғвор мақсади бўлиб, бу борада истиқлол йилларида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур натижаларда, шубҳасиз, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу ўринда ушбу соҳада амалга оширилган изчил ислоҳотлар ва уларнинг самараси хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.*

## Тинчлик ва осойишталик — улуғ неъмат

Маълумки, 2006 йил 6 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонун имзоланган эди. Бу элу юрт осойишталиги посбонларига кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси бўлди, десак, айни ҳақиқатдир. Шундан буён мазкур Қонунга мувофиқ, ҳар йили ички ишлар идоралари ходимлари 25 октябрни касб байрами сифатида муносиб нишонлаб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йиллариданоқ жамиятда барқарорликни сақлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида ички ишлар органлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Энг аввало, 1991 йил 25 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида"ги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолияти йўлга қўйилганлигини мамнуният билан эсга оламиз.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2001 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилинган қарорлари Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, ички ишлар органлари жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, профилактика, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларида қатор янгиланишлар амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# 2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 4 фоиз миқдорида бўлишини ҳисобга олган ҳолда, йилига 3 фоизли ставка бўйича 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 15 йил муддатга миллий валютада кредит линиялари очсин, бунда кредит линияси маблағларини Дастур доирасида уйлар қуришга мақсадли йўналтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, иштирок этувчи тижорат банклари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг уй-жойларнинг ҳар бир намунасига бўлган талабини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, 2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига кейинги йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш параметрлари юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2021 йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини молиялаштириш миқдорлари ва манбаларини белгиласин, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этишни назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари келгуси йилга Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида ҳар йили белгиланган тартибда:

1 майгача — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда, кейинчалик уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга бериладиган, қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган, ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланадиган массивлар рўйхати тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

1 сентябргача — иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда талабгорлар аниқланишини ва уйлар қуриш учун уларнинг дастлабки бадаллари шакллантирилишини;

1 октябргача — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини;

1 ноябргача — «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК, Республика йўл жамғармаси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан биргаликда янгидан қуриладиган қишлоқ тураржой массивларида муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини таъминласинлар.

9. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида тураржой массивларида сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

10. Белгилансинки, тураржой массивларида сув, электр, газ таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш тегишли равишда республика бюджети, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

11. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари асосида, ариза берувчи — уй қурувчининг Дастурдаги иштироки тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида 2022 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича ишлар ҳажмлари учун — солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

субпудрат ташкилотлари — массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуришга «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотлари билан тузилган контрактлар бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмлари учун — ягона солиқ тўлови тўлашдан;

қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, уларни ташийдиган ташкилотлар — фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташиш (жумладан, импорт материалларни) ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ — солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмлари учун — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ — 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно), шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа қурилиш материаллари учун, улар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга сотилганда — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

«Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ ва транспорт корхоналари — металл листларни қайта ишлаш ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун — қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларидан тўғри фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Қуйидагиларга истисно тариқасида:

2017 йил 1 мартгача бўлган муддатда — 2, 3 ва 4-иловаларда кўрсатилган уйларнинг қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга;

2017 йил 1 январгача фойдаланишга топшириш юзасидан зарур чоралар кўрилган ҳолда 0,02 гектар майдондаги ер участкаларига жойлаштириладиган 26 та икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйларни ва 130 та бир қаватли 2, 3 хонали уйларни жорий йилда қуришни бошлашга;

8-иловага мувофиқ рўйхат бўйича уйлар қуриш учун бош пудрат ташкилотларига марказлаштирилган тартибда етказиб бериладиган асосий қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарнинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ томонидан тендер савдолари ўтказилмасдан энг мақбул таклифлар танлови орқали сотиб олинишига рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АК ва «Ўзметкомбинат» АЖ буюртмачи ва лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган Дастур доирасида уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилма объектлари учун тартибга солинадиган нархлар бўйича цемент ва металл прокати ажратилишини таъминласинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурни амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши сифати ва лойиҳа ечимлари, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш, техник ва муаллифлик назоратлари юритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурининг мақсадлари ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

17. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Фақат 2009 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 тураржой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Шу билан бирга, ўрганиш якунлари аҳолининг реал эҳтиёжларини ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларини тўлиқ ҳисобга олувчи қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартларини жорий этишни, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни янада кенгайтиришни, шунингдек, барпо этилаётган уйларнинг таннархини пасайтиришни талаб қилмоқда.

Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Қарор тўпланган тажрибани ўрганишни ҳисобга олиб қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишига янгича ёндашувни мустаҳкамлайди. Қарорда беш йиллик даврга мўлжалланган қишлоқ жойларда арзон уйлар қуришнинг кўламли Дастурини амалга ошириш назарда тутилган. Дастурга асос қилиб олинган янгиланган намунавий лойиҳалар қишлоқ аҳолисининг юқорида кўрсатиб ўтилган талаблари ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олади, чунки уларнинг фикрлари ва истак-хоҳишлари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган.

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлилигига кўра якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилади.

Жумладан, **биринчи тури** бўйича уч ёки тўрт йўлакли, хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки ва уч қаватли кўп квартирали уйлар барпо этилиши назарда тутилади. Мисол учун бундай уйларда умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0 миллион сўм бўлган икки хонали квартиралар қуриш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлади.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган кўп квартирали уйларни қуришда квартиралар эгаларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳовлида жойлаштириладиган иморатлар — болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар барпо этиш назарда тутилади.

**Иккинчи турига** мувофиқ аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Бундай икки хонали уйларнинг умумий майдони 53,0 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 миллион сўм бўлади.

Уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 квадрат метр ва тахминий қиймати 111,0 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 миллион сўм бўлади. Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари қуриш назарда тутилади.

**Учинчи тури** 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 квадрат метр бўлган ягона блокка бирлаштирилган икки қаватли тўрт хонали уйлар қуришни назарда тутади. Бунда кўрсатиб ўтилган уйларнинг тахминий қиймати 162,0 миллион сўмни, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 миллион сўмни ташкил этади. Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари қуриш назарда тутилади.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги Дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар Дастурига қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан 15 йил муддатга берилади. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмайди.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади, шу жумладан, уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350,0 миллиард сўм ажратилади, шунингдек, тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредит ресурсларини жалб этиш назарда тутилади.

Умуман олганда, Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, шу жумладан, 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйни ҳамда 0,06 гектар майдонга 3, 4 ва 5 хонали 2981 бир қаватли уй қуриш назарда тутилади.

Шу билан бирга, янги қурилаётган уй-жой массивларида фақат давлат ресурслари ҳисобига 415,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,5 километр электр таъминоти тармоқлари, 316,9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260,3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан, массивлар ичида кириш йўллари ва йўллар, шунингдек, 134 та ижтимоий инфратузилма объектини барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши Дастурнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Бунда асосий қурилиш материаллари ва буюмларга қурилиш-пудрат ташкилотларининг харажатларини оптималлаштириш ҳисобига барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қиймати пасайиши таъминланади.

Бундан ташқари, уйларнинг арзонлигига Дастур иштирокчилари учун солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли ҳам эришилади. Масалан, пудрат ташкилотлари арзон уйлар қуриш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми учун солиқларнинг барча турини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилади.

Ушбу Дастурнинг самарали амалга оширилиши давлат тузилмаларининг алоҳида назорати остида бўлади, унда назарда тутилган кўрсаткичлар бажарилишининг тизимли мониторинги олиб борилади.

Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар ўзининг нарх параметрлари, сифат тавсифлари ва шинамлилиги бўйича Марказий Осиёда ўхшаши йўқлигини эътироф этиш зарур.

Қарорнинг амалга оширилиши қишлоқни ободонлаштиришнинг ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини тубдан оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш кўламларини янада кенгайтириш бўйича узвийлик ва изчиллик йўлини таъминлашга кўмаклашади.

# Адолатлилик ва холислик — асосий мезон

*Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.*

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тузилган эксперт гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширмоқда.

Марказий сайлов комиссияси котиби Суяржон Қурбонқулов мухбиримизга эксперт гуруҳлари фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Авваламбор, шуни алоҳида қайд этиш керакки, миллий сайлов амалиётимиз таҳлиллари, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда халқаро кузатувчилар тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, сайловга оид қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштириб борилмоқда, — дейди С. Қурбонқулов. — Хусусан, 2015 йилнинг декабрида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича тўпланадиган сайловчилар имзоси сони жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизидан бир фоизига камайтирилди. Бу Венеция комиссиясининг қонун муайян округдаги сайловчиларнинг бир фоизидан ортиқ имзосини тўплашни талаб қилмаслиги керак, деган тавсиясига тўла мос келади. Ушбу қоиданинг ҳаётга татбиқ этилиши билан сиёсий партиялар учун янада қулайлик яратилди.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 23 сентябрдаги қарори билан Сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди. Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассисларидан иборат таркибда тузилган эксперт гуруҳлари иш олиб бормоқда.

Қонунга биноан, сайловда иштирок этишига ижозат берилган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан жами сайловчиларнинг камида бир фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини тўплаган бўлиши керак.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги етти кунлик муддат ичида текширилади. Қонунга асосан, текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олиниши мумкин. Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камида 15 фоизи теширувдан ўтказилади. Бунда текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир номзодни ёқлаб берилган имзолари бир хил миқдори саккизта маъмурий-ҳудудий тузилманинг ҳар биридан тенг танлаб олинади.

Эксперт гуруҳлари аъзолари ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига, йўл қўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига алоҳида эътибор берадилар.

Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

Таъкидлаш жоизки, эксперт гуруҳи имзо варақаларини текширишни сиёсий партиялар вакиллари иштирокида очиқ-ошкора ва холисона олиб бормоқда.

Текширув якунлангач, имзо варақаларини тақдим этган ҳар бир сиёсий партия бўйича эксперт гуруҳи томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш якунлари тўғрисида хулоса тузилади. Хулосанинг нусхаси сиёсий партиянинг вакилига ҳам берилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун асос ҳисобланади ҳамда унга илова қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, малакали мутахассислардан таркиб топган эксперт гуруҳлари томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишга қонунчилик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, адолатли ва холисона ёндашилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# ЎзЛиДеП ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар топширди

*2016 йил 22 октябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.*

**САЙЛОВ — 2016**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партия ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қонунчиликка асосан, сиёсий партия раҳбарининг Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ёзган аризаси тақдим этилди. Аризага Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси VIII съездининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, съезднинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақалари илова қилинди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотномани берди. Тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш юзасидан ички ишлар, адлия органлари, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасалар мутахассислари, шунингдек, жамоатчилик вакилларидан иборат экспертлар гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

## Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида намойиш этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида иш бошлаган Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилиш маросимида қайд этилганидек, бундай барқарор ривожланиш кўрсаткичларига иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноат корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес вакилларига эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли эришилмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан асос солинган ҳамда анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, ўтган даврда у саноатчиларнинг йирик иқтисодий анжумани сифатида рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни мустаҳкамлашда замонавий бозорнинг муҳим механизмига айланди. Ўтган қисқа давр ичида иштирокчилар сони 7 баробар, намойиш этилган маҳсулотлар тури 20 мингдан ошгани, маҳсулот етказиб бериш бўйича имзоланган шартномалар ҳажми эса 11 маротаба кўпайгани шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

Бундан ташқари, ярмаркага ҳар йили илм-фан соҳаси, етакчи саноат корхоналари ва ташкилотларнинг 100 мингдан зиёд вакиллари ташриф буюрмоқда. Улар сони хорижликлар ҳисобига тобора кўпаяётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Мисол учун, ўтган йилги ярмаркада Германия, Буюк Британия, Чехия, Канада, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби 55 давлатнинг 1300 дан ортиқ фирма ва компанияларидан вакиллар қатнашган бўлса, якунда улар билан экспорт бўйича 8,3 миллиард АҚШ долларилик шартномалар тузилган.

Таъкидлаш жоизки, ярмарканинг стендлари янги маҳсулотлар ҳисобига йил сайин бойимоқда. Хусусан, бултурги тадбирга саноатчиларимиз ўзларининг маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида тайёрланган импорт ўрнини босувчи, айни чоғда экспортга йўналтирилган 200 дан зиёд товарларини келтиришган эди.



Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда ўтказилмоқда. Яъни илк босқич республикамиз ҳудудларида уюштирилаётган бўлса, иккинчи босқич халқаро мақомда ўтказилаётир. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 мартдаги “2016 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг март — июнь ойларида жойларда уюшқоқлик билан ташкил этилган 13 та ана шундай тадбирда 5 мингдан ортиқ саноат корхоналари қатнашди. Улар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ҳамда саноат кооперацияси борасида 1 триллион сўмликдан кўпроқ шартномалар имзоланди. Тоғ-кон ускуналари, боғдорчиликка мўлжалланган минитракторлар, электр генераторлари, тиббиёт жиҳозлари, евро стандартларга мос мой маҳсулотлари, юқори сифатли керамикалар қатнашчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳам томонлар учун ана шундай самарали бўлиши кутилаяпти. Чунки у ўз ичига фармацевтика, қурилиш, автомобилсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат, металлургия, электротехника, енгил саноат сингари иқтисодиётнинг барча етакчи тармоқларини қамраб олган бўлиб, энг илғор технологиялар ёрдамида тайёрланган замонавий ва сифатли маҳсулотлар таклиф этилмоқда. Масалан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра, ярмаркада тизим корхоналари томонидан импорт ўрнини босувчи, тайёр маҳсулот ҳамда бутловчи қисмлар намойиш қилинаяпти. “Elektrqishloqqurilish”, “Elektrtarmoqqurilish”, “Elektroizolit”, “Elektron hisoblagich” корхоналарининг юқори кучланишли электр узатиш линиялари, металл конструкциялар, темирбетон таянчлари, иссиқлик изоляция материалларини шулар жумласига киритиш мумкин.

“Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси стендлари эса саноат форумининг 70 квадрат метр ҳудудини эгаллаган бўлиб, бу ерда тизимдаги олти акциядорлик компанияси, қўшма корхона ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим этмоқда.

— Айни пайтда корхонамизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 37 та лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш ва инновация бўлими бошлиғи Шавкат Мадаминов. — Бунинг эвазига 14 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тежаб қолинади. Бу йилги ярмаркага айнан ушбу дастур асосида нефть-газ, кимё, металлургия саноатида фойдаланиладиган дастгоҳлар эҳтиёт қисмлари, тадбиркор ҳамда фермерларга мева-сабзавотларни майдалаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш ускуналарини таклиф қилаяпмиз.

Умуман, ушбу тадбир биз учун ниҳоятда фойдали бўлаяпти. Негаки, унда маҳсулот сотиб олиш ва етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришаяпмиз. Бу йил жами 790 миллиард сўмлик шартнома тузишни режалаштирганмиз.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унинг доирасида корхоналарга ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш борасида барча шарт-шароит яратилган. Маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномалар ярмарка дирекцияси рўйхатидан ўтказилиб, реестрга киритилади.

Шу билан бирга, анжуманда суғурта, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ташкилотлари, тижорат банкларининг махсус стендлари ҳам ташкил этилганки, бу ҳам уларга қўшимча қулайликлар яратади, албатта.

Ярмарка доирасида, шунингдек, турли семинар ҳамда тақдимот маросимлари ўтказилади. Хусусан, унинг биринчи кунида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси, Олмалиқ ҳамда Навоий кон-металлургия комбинатлари, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**АНЖУМАН**

Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кун муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

## Ўзбекистон — БМТ:

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистонда истиқлол йилларида тинчлик, осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Мазкур эзгу мақсад йўлида қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, айниқса, БМТ билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилот, халқларнинг тинчтотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир. Мамлакатимиз БМТга 1992 йилнинг 2 мартида аъзо бўлган. Ўша кундан буён давлатимиз байроғи ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди.

Айни пайтда юртимизда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси (ЮНОДК), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС) ва бошқа тузилмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан биргаликда қатор халқаро анжуманлар, тадбирлар ўтказилиб, турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

БМТ аъзолари Ўзбекистон томонидан жаҳон миқёсида долзарб саналган кўплаб масалаларга оқилона ечим бўла оладиган ташаббуслар илгари сурилганини яхши билишади. Хусусан, Биринчи Президентимизнинг ушбу тузилма йирик мажлисларида билдирган қатор таклифлари, эзгу ғоялари доимо алоҳида ҳурмат билан тилга олинади, эътироф этилади. Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган “6+2” мулоқот гуруҳини ташкил этиш, Орол муаммоси оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасининг глобал масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида республикамизга БМТнинг нуфузли вакиллари бир неча марта ташриф буюрди.

Тадбирда шулар ҳақида алоҳида сўз юритилиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди.

— Аввало, шуни айтишни истардимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни давлат ва жамиятнинг турли жабҳалари барқарор тараққий топаётган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайдиган яқин ҳамкори, деб билади, — деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Юртингизда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатор ютуқлар қўлга киритилгани таҳсинга лойиқ. 2010 — 2015 йилларнинг ўзида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 162 миллион АҚШ долларидан зиёд лойиҳалар амалга оширилгани бунга яққол мисолдир. Айни пайтга келиб эса 2016 — 2020 йилларни ўз ичига олган навбатдаги босқич дастурлари доирасида иқтисодий фаровонлик, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит муҳофазаси ва самарали бошқарув соҳаларида икки йиллик режаларни рўёбга чиқаришга киришилди. Бу эса республикангизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Маълумот ўрнида келтириб ўтиш лозимки, бугунги кундаги глобал муаммолар ва таҳдидларга қарши БМТ ҳамда унга аъзо давлатлар томонидан 2030 йилга қадар мўлжалланган навбатдаги барқарор ривожланиш дастури амалиётга жорий этилди. Унда адолат ҳукм сурадиган, инсон ҳуқуқлари ва тенглик таъминланган дунёни барпо этиш кўзда тутилган бўлиб, уч тамойил — иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазасини чамбарчас боғловчи, барчанинг, хусусан, аёллар, болалар ва ёшларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсади (БРМ) ва 169 вазифа белгилаб олинди.

Матбуот анжумани доирасида БМТ ташкил этилган сана муносабати билан режалаштирилган маданий дастурлар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БУНЁДКОРЛИК**

Самарқанд шаҳрида трамвай қатновини йўлга қўйиш мақсадида умумий узунлиги 6,4 километрдан иборат темир йўл излари қурилиши бошланди.

# Самарқанд кўчаларида трамвай қатнайди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида Самарқанд шаҳрида трамвай қатновини йўлга қўйиш таклифини билдирган эди. Ушбу ташаббус юртдошларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Негаки, қадим ва ҳамиша навқирон кентда экологик тоза, самарали ҳамда замонавий жамоат транспортининг ҳаракатланиши аҳолига қўшимча қулайлик яратиб, шаҳар жозибасини янада оширишга хизмат қилади.

— Трамвай қатновининг дастлабки босқичи Самарқанд темир йўл вокзалидан “Сартепа” даҳаси оралиғида амалга оширилади, — дейди Самарқанд шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Улуғбек Тожибоев. — “Пўлат из”лар ётқизилиши Беруний кўчасидан бошланиб, Буюк Ипак йўлидан Амир Темур кўчасигача, сўнгра собиқ эҳтиёт қисмлар бозори орқали Туркистон кўчасидан ўтиб, “Сартепа” даҳасининг охирги айланма йўлига қадар давом эттирилади.

“Боштранслойиҳа” идораси томонидан лойиҳалаштирилаётган объектда айни кунларда кўчалар ва унга туташ иншоотларни ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилишнинг биринчи босқичини келгуси йилнинг Наврўз байрамига қадар якунлаб, дастлабки трамвай ҳаракатини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Йўл қурилишининг иккинчи босқичида трамвай йўналишини темир йўл вокзалидан “Сиёб” деҳқон бозоригача, учинчи босқичда эса Кимёгарлар шаҳарчасигача узайтириш кўзда тутилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тинчлик ва осойишталик — улуғ неъмат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунга мос равишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги ишлари ҳам яхшиланди. Энг муҳими, тизим ходимларининг халқ билан ҳамкорлиги кучайтирилди. Элу юрт тинчлигига рахна солувчи ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларга қарши кенг жамоатчилик билан биргаликда, ҳамжиҳатликда кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқаролар йиғинларида ташкил этилган “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни ташкил этиш ва юритишда ғоят муҳим ўрин тутмоқда. Пировардида бугун республикамиздаги икки мингдан ортиқ маҳаллаларда жиноятчилик кескин камайишига эришилди, икки ярим мингдан зиёд маҳаллаларда эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Биринчи Президентимиз 2007 йилда касб байрами муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида алоҳида таъкидлаганидек, биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади.

Айни чоғда унда мазкур талабларни бекаму кўст адо этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Яъни бугун юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳар бир профилактика инспекторининг кундалик вазифасига айланди. Бунда ходимларимиз фаолияти, энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларимизни турли жиноий гуруҳлар ва диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраб-авайлашга қаратилди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ходимлар онги ва дунёқарашини юксалтириш ҳам долзарб вазифаларимиздандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари, ИИВ таълим муассасалари ва ҳарбий қисмлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ходимлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, билим ва касб маҳоратини ошириш, улар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Халқимизнинг тинчлик-осойишталигини асраш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги мураккаб ҳамда масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этиб, фидойилик намунасини кўрсатган ходимларимиз хизмати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинаётир. Биргина 2016 йилнинг ўтган даврида ички ишлар органларининг 96 нафар ходими давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлиги, икки юздан ортиғи вазирликнинг “A’lo xizmatlari uchun” кўкрак нишони билан тақдирланганини бунинг бир мисолидир.

Ўтган йиллар мобайнида ички ишлар органларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, замонавий техника ва ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланди. Жиноятни тезкорлик билан очишда қўл келадиган самарали тезкор-қидирув тизими яратилди. Шунингдек, замонавий моддий-техника ва криминалистик базага эга тергов аппаратлари шакллантирилди.

Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилнинг ўзида юртимизда жиноятчилик 12 фоиз камайишига эришилди. Жумладан, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига қаратилган жиноятлар 30 — 40 фоиз, талончилик ва ўғирлик ўтган асрнинг 90-йилларидагига қараганда қарийб икки баравар камайди. Асосийси, кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларимизда жиноятлар сезиларли даражада камайиб, одамларимиз турмуш фаровонлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Бизни янаям кўпроқ қувонтирадигани шуки, бугун халқимиз юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаб келаётган ходимларимиздан миннатдор бўлмоқда.

Халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳам доимий эътиборимиздаги вазифалардан саналади. ИИВнинг барча марказий соҳавий хизматларига “Электрон қабулхона” орқали келиб тушган ҳар қандай мурожаат бўйича шахсан биринчи раҳбар масъуллиги белгиланиб, соҳавий раҳбарларга эса ариза бўйича тўлиқ ва сифатли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш, мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш вазифалари юклатилди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида шу йил бошида вазирликнинг 2016 — 2017 йиллар давомида ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Уни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, вазифалар ижроси доирасида мурожаатлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Электрон, оғзаки ва ёзма мурожаатларни кўриб чиқиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Вазирлигимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишловчи махсус бўлим фаолияти йўлга қўйилди. Бўлим зарур техника воситалари билан тўлиқ таъминланди ва унинг фаолияти алоҳида назоратга олинди.

Ички ишлар вазирлигининг сайти орқали фуқароларга ўндан ортиқ интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда. Сайт Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланган. Аҳоли мазкур портал орқали ёки сайтимизда кўрсатилган бошқа имкониятлар ёрдамида бизга мурожаат қилмоқда. Унда “Ишонч телефонлари” ва вазирлик электрон манзили ҳам илова қилинган.

Фуқаролар ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида вазирлик марказий аппаратининг бевосита мурожаатлар билан ишловчи асосий соҳавий хизматлари, яъни шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тергов бош бошқармалари, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига тўлиқ уланган. Натижада фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғридан-тўғри ушбу соҳавий хизматлар томонидан қабул қилинмоқда. 2016 йилнинг 9 ойи мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жами тўрт мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти қабулига фуқаро ва юридик шахсларга “электрон навбат”га ёзиш орқали ҳам интерактив хизмат кўрсатилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, 2016 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди. Унда, энг аввало, ички ишлар органлари фаолиятининг принциплари сифатида қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик кабилар белгилаб қўйилгани ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мазкур Қонунда, шунингдек, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари, соҳа ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир неча моддалар ўрин олганлиги ҳам бизга кўрсатилган юксак эътибор намунаси бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми сифатида ички ишлар идораларида ҳам янгиланишлар рўёбга чиқарилиб, замонавий тизим самараси ўлароқ ўзини ҳар томонлама намоён қилмоқда. Бу эса юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда айни муддаодир.

**Адҳам АХМЕДБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**ички ишлар вазири.**

**САЙЛОВ — 2016**

*Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси одамлар билан гавжум. Сайловга тайёргарлик тобора ўзининг қизғин палласига кириб бораётганлиги сабабли ҳар куни у ёки бу ташкилий масалаларни ҳал қилишга тўғри келмоқда. Корхоналар, сайлов участкалари ҳамда фуқаролардан кўплаб қўнғироқлар бўлаяпти, факс ва принтер орқали ҳужжатлар қабул қилинмоқда...*

# Ҳар бир сайловчи учун барча шароит яратилади

— Ҳар бир сайловчининг овози муҳим, агар таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам сайловчилар ўз конституциявий ҳуқуқини ҳеч қандай тўсиқларсиз рўёбга чиқариши учун шароит яратишимиз керак, — дейди округ сайлов комиссияси раиси, Тошкент фармацевтика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси Аҳмадхўжа Юнусхўжаев. — Комиссиямиз жамоаси мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирни қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда, юксак савияда ўтказишга аҳд қилган. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, кундалик фаолиятимиз якунларини мажлисда муҳокама қилаяпмиз, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларида кўмаклашаётган ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдамиз, шунингдек, галдаги вазифаларни белгилаб олаяпмиз.

Тошкент шаҳар сайлов округида 713 та сайлов участкаси тузилган. 4 декабрь куни ушбу участкаларда 1 миллион 742 минг нафардан ортиқ сайловчилар овоз бериши кутилмоқда. Бундан ташқари, округга Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган 44 та сайлов участкаси ҳам бириктирилган.

Комиссия котиби Ихтиёр Беков сайловни ташкил қилишда учинчи марта қатнашаяпти. У бундан олдинги сайловларда ҳам округ сайлов комиссияси котиби лавозимида ишлаган. Шу боис барча вазифани бажариш учун етарли тажрибага эга. И. Беков юридик фанлар номзоди. Номзодлик диссертациясини ҳам сайлов жараёнида сиёсий партиялар иштироки мавзуида ёқлаган. 2003 йилдан бери "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи", "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари" фанларидан сабоқ бериб келади. Марказий сайлов комиссияси томонидан чоп этилган "Сайлов ва сиёсий партиялар" рисоласининг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Қисқача айтганда, Ихтиёр ака сайлов қонунчилигидан яхши хабардор.

— Жорий йилги сайлов сиёсий партиялар ўртасида рақобат кучайган, сайловчилар ҳуқуқий маданияти юксалган ва фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда онги ўсган бир шароитда ўтмоқда, — дейди у. — Бу эса сайлов комиссияларига катта масъулият юклайди. Бизга ҳар куни ўнлаб фуқаролар, сиёсий партиялар вакиллари, талабалар сайлов билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишмоқда. Биз уларга ҳуқуқларини, овоз бериш тартибини батафсил тушунтираяпмиз.

Ихтиёр Беков котиб сифатида округ сайлов комиссияси фаолиятида муҳим ўринга эга. Мажлисларнинг ҳужжатларини тайёрлайди, қарорлар ижросини таъминлайди, вазифалар тақсимотини, навбатчиликни назорат қилади. Шундан бўлса керакки, уни ҳар доим биронта юмуш устида учратасиз. Сайлов участкаларини, участка сайлов комиссияларини сиёсий тадбирни қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда, уюшқоқлик асосида ўтказишга тайёрлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Учтепа туманидаги "Шарқ гули" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нозима Расуловага округ сайлов комиссиясида ишлаш таклиф қилинганда унинг хаёлидан "Эплай олармиканман?" деган фикр ўтди. Уни маҳалла-кўйда, мактаб ва коллежларда яхши танишади, ташаббускорлиги, фаоллиги билан обрў-эътибор қозонган.

— Бундай масъулиятли вазифани ишониб топширишган экан, уни аъло даражада уддалашим лозим, — дейди Н. Расулова. — Комиссиямиз таркибида тўрт нафар хотин-қиз ҳам бор. Бугун Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимиз сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Албатта, уларнинг манфаатларини ифода этишда фаоллик кўрсатамиз. Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида Учтепа туманига масъул сифатида бириктирилганман. Туманимизда 68 та сайлов участкаси мавжуд. Ҳар куни сайлов участкаларига бораман, уларни қонун талаблари асосида жиҳозлаш, "Она ва бола" ҳамда тиббиёт хоналарини зарур воситалар билан таъминлаш диққат-эътиборимизда турибди. Шу билан бирга, сайловчиларни уларнинг ҳуқуқлари ва сайловда фаол иштирок этишининг аҳамияти ҳақида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш чораларини кўраяпмиз.

Сайловга 40 кун қолди. Бу даврда сайлов кампаниясини муносиб олиб бориш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар сайлов қонунчилигининг барча қоидасини аниқ амалга ошириш имконини беради.

**Адҳамбек РАШИДБЕКОВ.**

# Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти Лондонда муҳокама қилинди

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Буюк Британиянинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари қатнашди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев асосий маъруза билан иштирок этди.

Брифинг чоғида унинг қатнашчилари юртимизда бугунги кунда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда республикамиз халқаро ҳамкорлигидаги устуворликларга доир батафсил маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамияти асосидаги дунёвий демократик давлат барпо этиш тамойилларига содиқ эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, тадбир чоғида ҳукуматимизнинг тадбиркорликни, инфратузилмалар ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатилишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сўнгги қарорларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда 18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси якунларига доир маълумотлар ҳам брифинг иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

**"Pathfinder" компанияси директори Майкл Томас** ўз чиқишида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов улуғ етакчилик фазилатларига эга бўлгани туфайли 25 йил ичида гуллаб-яшнаётган давлатни барпо қилишга эришилганини таъкидлади.

— Ислом Каримов томонидан таклиф этилган ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига Ўзбекистон Республикаси раислиги мавзуси ва устуворликлари мустақил давлатни барпо этишга доир ёндашувларнинг тамойиллари билан уйғундир. Бу маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти эканлигини англатади, — деди М. Томас.

Унинг айтишича, Марказий Осиёнинг буюк алломалари ва мутафаккирлари билимларини ҳамда уларнинг замонавий илм-фан ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаларини тарғиб қилиш юзасидан бошланган ишларни давом эттириш фавқулодда муҳим ҳисобланадики, бу Ўзбекистонни ва бутун ислом дунёсини яхши тушунишга хизмат қилмоғи лозим.

Буюк Британия компанияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорига ҳамда иқтисодий ҳамкорлик масалалари мамлакатимизнинг ИҲТ раислигидаги устуворликлари рўйхатига киритилганини юқори баҳолади.

— Нафақат корпоратив ва давлатлараро даражаларда, балки кичик ҳамда ўрта бизнес вакиллари ўртасида ҳам савдо алоқаларини ривожлантириш ислом дунёсидаги иқтисодий ўсишга хизмат қилиши мумкин, деб ҳисоблайман, — деди "Pathfinder" компанияси раҳбари.

**Халқаро таълим бўйича эксперт Дэвид Харди** Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислигининг "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик йўли" шиорини қўллаб-қувватлашини билдирар экан, республикамиз таълим, маданият ва ёшлар сиёсати соҳаларида эришган муваффақиятлар жуда катта эътиборга сазоворлигини таъкидлади.

— Улар Ўзбекистонга ўхшаш демографик ҳамда иқтисодий шароитларга эга бўлган кўпгина ривожланаётган давлатлар учун намуна сифатида хизмат қилади. Бағрикенглик ва уйғунликка эришишнинг воситаси сифатида Ўзбекистон таълим сиёсатидаги ўз қарашларини халқаро даражада илгари суришга ҳақлидир.

Маънавий меросни тарғиб этиш билан бирга, иқтисодиётда талаб катта бўлган махсус малака кўникмаларини олиш учун шароитларни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Илмий-техникавий алмашувларни фаоллаштириш масаласи мамлакатнинг ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислигидаги устуворликлардан бири сифатида қўйилгани мусулмон дунёси давлатларининг янада модернизациялашувига кўмаклашади, — деди у.

**Бирлашган кучлар Қироллик институтининг (RUSI) хавфсизлик тадқиқотлари масалалари бўйича директори Рафаэлло Пантуччи**нинг айтишича, минтақавий ва халқаро даражадаги турли масалалар юзасидан ИҲТга аъзо давлатларнинг нуқтаи назарлари бир хил бўлмаса-да, умумий хавф-хатарнинг мавжудлиги аёндир.

— Ўзбекистон томони ИҲТга аъзо давлатларни астойдил бирдамликка ҳамда замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши туриш учун улар ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этишга чақираётгани тасодифий ҳол эмас, — деди у.

Экспертнинг фикр билдиришича, ИҲТ мамлакатлар ўртасида амалий жиҳатдан ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ислом қоидаларининг тўғри талқин қилиши ва Ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккирлари қолдирган маданий ҳамда илмий меросни тарғиб этиш орқали бағрикенглик ғояларини тарқатишга йўналтирилган қўшма дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш учун жуда яхши минбар бўлишга қодир.

Рафаэлло Пантуччи бундай ишлар нафақат мусулмон мамлакатлари, балки Ғарб дунёси учун ҳам амалий қадр-қимматга эга эканлигини қайд этди.

— Шу боис тадқиқот марказлари, шу жумладан, Бирлашган кучлар Қироллик институти ҳам Ўзбекистоннинг ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислиги давомидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрдир, — деди у.

**Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор Сидхарт Саксена** таъкидлаганидек, Ўзбекистон томонидан таклиф этилган "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик йўли" шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларни эзгу ғоя атрофида бирлаштириш ҳамда алалоқибатда амалий натижаларга эришиш учун ишонарли шарт-шароитларни яратади.

Шунингдек, британиялик олим исломнинг тараққийпарвар моҳиятини илгари суриш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида Самарқандда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини, Тошкент ислом университети таркибида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг (ISESCO) махсус кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига юқори баҳо берди.

— Бу буюк аждодларнинг бой маънавий меросини ўрганиш бўйича эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш имконини берибгина қолмасдан, халқаро миқёсда янада кенгроқ интеллектуал алмашувлар учун янги истиқболлар эшигини очади, — дея таъкидлади британиялик профессор.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

# АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ ЭЪЗОЗДА

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз, дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз номи тикланди, улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

**ЭҲТИРОМ**

Жумладан, улуғ мутафаккир Аҳмад Фарғонийнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси юксак қадрланди. Хорижий мамлакатларда ҳам ушбу аллома вояга етган заминга ўзига хос ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу буюк ватандошимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Аллома туғилиб ўсган Қува шаҳри ва Фарғона вилояти марказида қомусий олимга ҳайкал ўрнатилди.

— Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний ёдгорлик мажмуаси очилганига 18 йил тўлди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулла Зоҳидов. — Яқинда ушбу гўша қайта таъмирланиб, бетакрор қиёфага кирди. Қолаверса, улуғ олимнинг бой илмий меросини ўрганиш, ёш авлодга етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги олий таълим муассасалари, коллеж ҳамда мактабларда аллома асарлари кенг ўрганилаётгани фикримиз исботидир. Қолаверса, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти асарларда қайта жонланиб, ёш авлодга етказилаяпти.

— Фарғона вилоят мусиқали драма театрида драматург Сайдали Одилов қаламига мансуб Аҳмад Фарғоний ҳақидаги "Зулматдан зиё" спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди, — дейди саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Марат Азимов. — Олим Бағдод ва Дамашқ шаҳарларида астрономик тажрибалар олиб боради. Қоҳира шаҳри яқинида Нил дарёсига сув сатҳини ўлчайдиган нилометр ўрнатади. Саҳна асарида олимнинг ҳаёти муфассал акс эттирилган. Конус шаклидаги қуббадан иборат нилометр, астрономик жиҳозлар, муҳандислик намуналари, китоб жавонлари умумий ҳолатда тарихий воқеалардан янада кенг маълумот берса, илм аҳлининг машваратлари томошабинни мушоҳадага чорлайди. Ушбу асардан минглаб ёшларнинг баҳраманд бўлаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

2007 йилда Мисрда, Нил дарёсининг Рода оролида Аҳмад Фарғоний ҳайкали ўрнатилгани барчамизга ғурур ва ифтихор



бағишлайди. Буларнинг барчаси дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга бўлган юксак эҳтиромнинг амалий ифодасидир.

— Аҳмад Фарғонийнинг "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби" дунё олимлари томонидан ҳозир ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Фарғона вилояти Ахборот-ресурс маркази раҳбари Шоҳидбек Аслонов. — "Астрономия асослари" асари эса ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган. Кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ҳамда АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани унинг беқиёс аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:**

**05.09.07 Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси** — 1 ўрин.
**06.01.02 Мелиорация ва суғорма деҳқончилик** — 1 ўрин.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100187, Тошкент шаҳри, Қорасув мавзеси-4, 11-уй. Телефон: (+99871) 265-05-51. Факслар: (0-371) 265-32-41, 265-09-56.**

1594R/682

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
03

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Тошкент шаҳар филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 47-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони, Курувчи маҳалласида жойлашган, умумий майдони 716,55 кв. м., туржой майдони 11,30 кв. м., 6 та қурилмадан иборат 315-сонли дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 69 259 594 сўм.***

**2.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 38-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (собиқ Олимбеков) кўчаси, 18-уйда жойлашган, ер майдони 280 кв. м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 702 346 204 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 11 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 9 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, хорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот тақдим этишлари лозим.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1595R/180

ЭЪЛОНЛАР

*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**танлов эълон қилади.**

**Танлов предмети:**
- резинали диэлектрик оёқ кийими — 300 жуфт;
- резинали диэлектрик қўлқоп — 300 жуфт;
- резинали диэлектрик гиламча — 300 дона;
- диэлектрик қайчи — 600 дона;
- 77 мм. диаметрли босимли-сўрувчи енги — 120 дона;
- 125 мм. диаметрли босимли-сўрувчи енги — 140 дона.

*Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь.*

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси. Телефонлар: (0-371) 231-42-39, 255-75-11, 255-78-24. Факслар: (0-371) 281-43-73, 281-43-74. Электрон почта: umts@mvd.uz**

1607R/690

*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**тендер эълон қилади.**

**Танлов предмети:**
- ёнғин ўчириш насоси (ПН-40 ёки аналоги) — 185 дона;
- ёнғин ўчирувчининг қутқарув камари карабини билан — 4 000 тўплам.

*Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 ноябрь Тошкент вақти билан соат 17.00.*

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси. Телефонлар: (0-371) 231-42-39, 255-75-11, 255-78-24. Факслар: (0-371) 281-43-73, 281-43-74. Электрон почта: umts@mvd.uz**

1606R/690



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 045 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.58 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6